

Боборахим Машраб ўзбек мумтоз шеъриятига янги рух ва ўзига хос ижодий нафас олиб кирган улкан санъаткордир. Машраб шеърияти ўзининг самимийлиги, самовийлиги ва хаётийлиги билан ажралиб туради. Бу шеърият хақиқий шоир шахси ва қисматини мукамал бир тарзда намоён этиши билан ҳам эътиборга моликдир. Машраб шеърларида сўз, оҳанг ва тасвир ҳеч бир ижодкорникига ўхшамайдиган тарзда юқори мақомга кўтарилгандир. Унинг газалларида сўз руҳдан, маъно руҳоният ва холдан яралади.

Шоир газалларидан бирида «Тинмайин юрдим бу гам даштида хайронлик билан», - деган эди. У чиндан ҳам дард, гам ва армон даштидаги бир ошиқ-дарвешдир. У хайронликдан хайратга, хайратдан ҳақиқат ва маърифатга томон интилади:

Мақоми хайрат ичра гоҳи беҳудман,

Жунун бозорида мастманки истигнога сигмамдур.

Машрабдаги жунун – илохий ишқ ҳосиласи. У ишқнинг шиддатли тугёнларида «жунун водий»сига қочади. Уни ҳамма жойда ҳамма томондан «гам лашқари» таъқиб қилади. «Гам лашқари ичра» «хайрону хароб» шоир гоҳ «жисми жони»нинг афғорлигидан сўзласа («Лашқари гам бу синук кўнглумни афғор айлади»; «Жисми жонимни фиғор этти гамингни лашқари»), гоҳ ўзлигини гам тарозисугига тортади («Гам тарозусига тушган бори вазминмен бугун»). «Гамдин ўзга бўлмади дардимга дармон оқибат», –

деганида у ҳақ эди. Машрабнинг шахсияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоқ учун унинг шеърларидаги мана бундай жумла ва ибораларга назар ташлаш қифоядир: «Ишқ саргардониман», «Дард ила хароб ўлдим», «Тинмай қуёб ёндим», «Манга мотам тутиб йиглар дару девор», «Тилим лолу кўзим гирён», «Нолишимдан кўркаман», «Сахар сўзимга чирмашдим», «Дилим дарёи нурдур», «Гунаҳим гайрдин

эмас, кўзимдин», «Ўлтуруб кон йигласам арзир», «Тах-батах кондур юрак», «Мандин забунрок йўк киши», «Мен конлар ютай то ўлгунча», «Дарду гам ичра саргайди юзум», «Айландим келдим яна гам уйига», «Меҳрибоним йўк мани», «Ўтибмен кору ёмгир устима ўтиб», «Мушибат селини барбоди бўлдум», «Кўнгулда гусса кўп», «Гам лойи ичра колмишман».

Бир мартабада турмас эмиш шох ила дарвеш,

Бас жандани кийдим ўзими дарбадар эттим.

Дарвешлик Машраб учун шохликдан баланд. У «жон тўтисини ишк ила сарбоз этай деб», жанда кийиб ўзни дарбадарликка чоғлаган эди. Машраб чин маънодаги ошик шоирдир. У «шариат шарбатин ичгон», «Тарикат халкасин туткон», «Хакикат шохини с ў ргон», «Маломат куйида юргон», «Муҳаббат йўлида куйгон» «суяр куллар», яъни ҳақ ошиклари фикру кечинмаларини ифодачиси. Машраб хақиқий ишк баҳрига чўмган санъаткор эди: «Шудам пайгамбари савдо, мани девонаи Машраб».

«Йўлни кўрганлар хама дунёни таркин килдилар», дейди шоир. Қайси дунёни? Машраб газалларидан бири шундай сатрлар билан бошланади:

Дунёга келиб билмай лойига бота колдим,

Дармон йўқидан захри балосин юта колдим.

Кўрдум мен они душмани руҳи тан экандур,

Ло ўқи билан икки кўзини ота колдим.

Албатта, дунё бошдан-охир боткоқдан иборат эмас, лекин лой – унинг бир рамзи. Шоир дунё хақидаги карашларида хурлик туйгусига алохида ахамият беради. Хурлик нима? Ишк. Хақикий хур одам ким? Ошиқ ва ориф. «Ишк йўлига кирган, албатта, кечар жондин, Кечмаса жондан айтгон сўзидур ёлгон», – дейди Машраб. У асл мақсадга етиш учун парда бўлган дунёни тарқ этиш тарафдори: «Кўтарсанг пардани ногоҳ жамолингни кўрай дерман, Жамолинг партавин солсанг, ки хуснингга тўйай дерман», «Пардангни олиб мен сари гар биргина боксанг, Ул дам мени мотамзада дар ханда бўлойин».

Машраб тавба мақомига доир фикр-мулохазаларида «Маломат куйида юрган» солиқларнинг ахлокий-фалсафий карашларини ёқлаб, гуноҳ ва гуноҳкорлик туйгуларини идрок этишга чақиради:

Эй бандаи пургуноҳ, тургил сахарда, йиглагил,

Кўз ёшингни хурматидин хар кунда минг наво келур.

Шоир ўзини «бош-оёғ» «жўши гунаҳдин» олууда, бандаи пургунаҳ хисоблайди: «Гунаҳимдан хабар олсам жухуд, тарсо менингдек йўк...», «Аё дўзах, мени куйдир, халойиқ куймасин харгиз, Тамугдин ишк ўти пурзўр, анинг захрин ютуб уттум», «Булхавасни магзи йўқдур, пўстдур беъътибор». «Маънипарвар одам» кўнгулни гуноҳлардан поклаш учун азобу азият ва маломатдан кочмайди. Шу тарика Ёр «чароги хусни рўйи»дан дилни мунаввар қилишга эришади.

Сирри дилим изхор агар бўлса малакка,

Ул моҳ била шамси мунаввар чидаёлмас.

Ишк аҳли агар нола-ю фарёд чикарса,

Масжид куюру воизу минбар чидаёлмас.

Машраб бир катор газалларида тасаввуф таълимотининг умумий гоя ва тушунчаларини талкин этади:

Маърифат бозорининг девонаси,

Хам хакикат ишкнининг майхонаси.

Ох уруб икки жахонни куйдурур

Ишк элининг зийнати – сармояси...

Шоирнинг кўпчилик орифона газалларида эса хакикий ишкнинг юкори нуктасини акс эттирадиган туйгу ва кечинмалар тасвирланган. Шундай газаллардан бирида ўқиймиз:

Онқадар нурга тўлибман, осмонга сигмадим,

Токи аршу курси-ю лавху жинонга сигмадим.

Машраб форсий газалида «Анал-Хак гўи эжодам, тажаллипарвари ишкам» - ижодимни Анал-Хаклик десанг, мен ишкнинг тажаллипарвариман, деб ёзган эди. Юкоридаги сатрлар билан бошланадиган газалнинг гоявий таркиби Анал-Хаклик ва тажаллипарварлик мохиятидан ташкил топган. Газалнинг навбатдаги байтларида бу хакикат тўлик равшанлашади:

Кимга соям тушса бир нури якийн бўлди у хам,

Дафтари рухи кудсдурман забонга сигмадим.

Дўзахи сакар манам, жаннати кавсар манам,

Бир ўзимдурман бу кун хафт осмонга сигмадим.

Бор эдим Нух вақтида гарк этмади тўфони хам,

Хамрохи Мусо бўлиб Тури Синонга сигмадим.

Эллик йил Исо билан юрдим ўликни тиргузуб,

Боиси бир нуктадин, Машраб, замонга сигмадим.

Газалда илохий «ишк сиррин баёни» берилган. Бу «ишк ўтидин» кишига «заррае етса», кифоя, у – гирён, бесабру бетокат, унинг тили лол, сўнгалари нихон ўртангани ўртанган. Чунки у оламу бу оламни ўзида бирлашти радиган кенгликка эришади. Шеърдаги Нух, Мусо, Исога тегишли талмихларданок тавхид холатининг тасвирини мушохада килиш мумкин. Лекин шоир «хафт осмонга», «Тури Сионга» ва «замонга» сигмаслик сабабини «Боиси бир нуктадин», деб таъкидлайдики, бу нукта – Анал-Хаклик завкидир. Машраб бунини «Ажаб Мажнун»лик «ажаб девона»лик деб хам характерлайди.

Тарихдан маълумки, тасаввуфдаги каландария мазхабига Жамолиддин Соважий асос солган. Каландария маломатия силсиласи билан узвий богликдир. Боборахим Машраб каландария мазхабига алокадор шоирлардан. Бу тўғрида О. Шарафиддинов ва С. Хусайннинг «Ўзбек адабиёти» маколасида шундай дейилган: «Машраб ўз замонасида кенг ёйилмокда бўлган каландарликнинг (сўфизмнинг бир окими) йирик вакили сифатида танилган ва халк ичида катта таъсирга эга шоирдир. Каландарлик вакиллари расмий ислом ва унинг конунлари билан келиша олмас ва шу конунларни химоя килувчи хокимларга, расмий ортодоксал рухонийларга карши курашар, уларни шиддатли танкидга олар эдилар»

[1]

. Макола муаллифлари каландарлик тарикати вакилларини «огир зулмларни бошидан кечирмокда бўлган ва жуда кашшоклашган» омманинг ўртасида «душманлардан ўч олиш, ва зулмдан кутулиш учун ёрдам берувчилар» сифатида бахолаб, Машрабни ана шу кураш курбони бўлганлигини кайд этганлар. Уларнинг хукмига биноан, Машраб ижодиёти «бир-бирига ўта карама-карши бўлган кутбларга эга». Бу «кутб»лардан бири – «расмий ислом, рухонийларни, хокимларни, шариат конунларини аямай танкид килиш» бўлса, иккинчиси – «таркидунёчилик, дарбадар ва каландарона хаёт кечиришга даъват». Машраб бутун ижоди давомида тасаввуфдан узоклашмаган ва вахдати вужуд идеали билан яшаган мистик шоир. Зохирий оламдан ботиний дунёга у жуда вақтли чекинган.

Мени зохир кўзида кўрган эл ўздин гумон айлар,

Вале, эл ичра ўздин, барчадин бегона Машрабман.

«Эл ичра ўздин» ва «барчадин бегона»лик – Машраб мистик хаётининг мазмунини характерлайдиган бундан аниқ ифода топиш кийин. Машрабдаги ёлғизлик – «ўздин» ҳам бегона бир танҳолик. Акс холда у шатх тили билан, «этагимни елпишидин юз худо пайдо бўлур», демаган бўлурди. Машрабдаги инсоний ёлғизлик илохий ёлғизликка эврилгандир. Ундан «Ёлғизлик нима?»

-
деб сўралганда у, албатта,
«Худо!» - деб жавоб берган бўлар эди. Ёки куйидаги сингари мисраларни эслатарди:

Ху десам, Анал-Хак, деб олам бориси хакдур,

Лайлига бўлуб шайдо, Мажнунга ўтай дерман.

Боборахим Машрабни шу тахаллус билан ижод қилган бошқа шоирлардан ажратиш учун ўзбек адабиётшунослигида анча ишлар амалга оширилди. Шу маънода шоир шеърларини йигиб, нашр эттирган олимларнинг меҳнатлари тахсинга лойиқдир. Лекин асл Машрабнинг кифоаси – унинг шеърлятида, адабиётшунослик илмида Машрабнинг инсоний ва ижодий Ўзлиги тубдан ўзгартирилган ҳамда сохта талкинларга гирифтор этилган.

Машраб шеърлятининг гоъвий, фалсафий, ахлокий замини – тасаввуф. Шоир ижодиётига доир тадқиқотларида унинг шеърляри онгли равишда ўз заминидан ажрати либ, тахлил қилинган. Натижада илохий ишқ мохиятини очувчи фикру кечинмалар дунёвий мухаббатга мансуб тасвирлар сифатида тавсия этилган. Машраб ижодиётидаги «антиклерикал мотив»лар хақида айтилган мулохазалар ҳам бирёклама, гоҳо жуда чалқашдир. Бунинг

сабаблари изохланганда

икки жихатга алохида диққат қилиш керак бўлади. Биринчиси, давлат ва сиёсат микёсида динга қарши ҳужумнинг авж олдирилганлиги, иккинчиси, тасаввуф таълимотининг юзаки ўрганилганлиги.

Тасаввуф Машраб дунёқарашининг «чекланган томонлари» эмас, балки ички зиёсидир. Тасаввуф, биринчи галда, Рух тарбияси. Тасаввуф – ахлоқ ва одоб камолоти учун қайгуриш демак. Тасаввуф – Хаёл ва тасаввур гўзаллиги. Хақиқий тасаввуф оламдаги жамики қучсизлик, жамики тобелиқларга иштибоҳ билан қарашга ўргатади. Тасаввуфнинг деярли барча мазҳабларида гамгин ва гуссақаш инсон «Мени»нинг ботиний фаоллиги акс этади. Тасаввуф таълимотида тарбияланган кишининг ҳаёт завқидан қўл силташи мумкин эмас. У ўткинчи завқларга бепарво қараш табиий, албатта. Дин сингари тасаввуфнинг ҳам оламшумул мафқураси Ишқдир.

Дин номидан ҳукмлар чиқариб, «роҳи шаётин»дан юргувчи, ришвахўр, «бухлу хаводорлик билан» умр ўтказган дилозор, риёкор мулло ва эшонларга Машраб салбий муносабатда бўлган. У ана шундай қалтабин ва ақидапараст дин ахлининг имонини – имонсизлик, динпарастлигини динсизлик деб билган. Қалби илохий зиёдан йирок диндор – шоирга қолоқлик, чекланганлик тимсоли бўлиб кўринганлиги рост. Аммо Машраб ҳеч пайт ислом динининг асл моҳиятига шак келтирмаган. Шунинг учун ҳам «Бир Худодан ўзгаси барча галатдур». – деб ҳисоблаган. Машраб маслағига кўра, оламнинг мазмуни, ҳаёлий гўзаллиги ва абадияти биргина сўзда ифодаланади. Бу сўз – Худо. Шу сўз дунёнинг Дили, дунёнинг тили. Жаҳоннинг қайси гўшасига назар ташламанг, хусн нуруни сочаётган ва забони гайбада такаллум этмоқда бўлган худо зохирдир: «Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб».

Восили ҳақ бўлай десанг, ишқу муҳаббат ҳосил эт,

Ўрта ҳавоу қибр уйин шамъи юзин зиёсига.

Машраб илохий «ишқу муҳаббат ҳосил» этмоқ маъносида қаландарлик тариқатини танлаган ва қаландар ошиқнинг биринчи вазифаси – бу, ваҳдат майидин қонмоқ деб билган. Унинг қатор байтларида шу моҳият аксини топқандир:

Сокий, кадахни килгил мухайё,

Вахдат майидин ичголи келдим.

Машраб девонида вахдат тушунчасидан ажралиб колган шеър йўк. Шоир газалларидан бирида:

Бахри рахматга кириб килдим вужудимни адам,

Маърифатдан беҳабарсан гавхаримни кавлама, -

деган эди. Байтнинг биринчи мисраси ўзликдан кечиб, фаноликка эришиш тўғрисида. Ундаги умумий фикрнинг шарҳини бошқа газалда учратамиз:

Бўлдум фано мен туфрог ичинда,

Бир дона эрдим, минг дона бўлдум.

Ул юз ўтида буд бўлди нобуд,

Жон жонга кирди, жонона бўлдум.

«Жон жонга кирди, жонона бўлдум» - Машраб дунёкарашининг энг олий ва якуний нуктаси ана шу. «Жон жонга» ковушгунгача бўлган йўл – машаккатли йўл.

Солдим туну кун нафс итим бирла урушни,

Танхо киличи бирла уруб хай-хайлаб ўттум.

«Нафс ити» бирла бўлган «уруш»да голиб келган ошик, албатта, хомушлик ва мискинлигини топади. Мискинлик рухи уйгонмагунча, ҳақ толиби ожизу афкорлигини англай олмайди, гунохларидан тавба қилмайди, сир пардасининг очилишини тилаб зору таваллолар этмайди. Машрабнинг ўнлаб газалларида «хомуш пичоқини» нафс бўйнига қўйган ошик ҳолати ва кечинмалари тасвирланган.

Машраб «толиби дийдор»ликда Мансур Халлож, Шайх Боязид Бистомий, Фаридиддин Аттор, Имомиддин Насимий сингари «толиби содик»ларга издош ва маслакдош. У Мансур Халлождан кейин машҳур сўфий Иброҳим Адҳам тариқини ўзи учун ибрат ва намуна сифатида эътироф этади:

Жаҳонни тарқ қилди Машраб Иброҳим Адҳамдек,

Саропо дард қўрдим, муддаони қўрмадим харғиз.

Маълумки, Муҳаммад пайгамбарга нисбат берилган «ал-факру фаҳрий» ҳикмати теран тушунчалардандир. Фақр – эҳтиёжнинг негизидаги хорликни теран пайқайди. Фақр – Ҳақ маърифатидан ўзга ҳеч нимани талаб қилмайди. Машраб фақирлик йўлига содиклиги учун ҳам:

Шаҳи рўйи замину тахту тожин орзу қимай,

Ғадойи фақр бўлдум, сайр этарман баҳру бар танхо, -

деб ёзган эди. Факирлик макомига юз бурмаган ошик хакикий ишк сиррининг кошифи бўла олмайди.

Асли мухаббат истасанг, кулли сивони ташлагил,

Факр либосин кийиб дарбадари гадо келур.

Хуллас, Машраб шеърияти хали тўлик кашф қилинмаган бир хазинадир. Бу шеърият билан канча кўпроқ кизикилса, инсон ўзлигини ўшанча теран англаш имконига эришади, шахс ва жамият, одам ва олам, Хак ва банда муносабатларини тўғри мушохада айлаш даражасига кўтарилади.

Олими нуқтадон ўзум...

Тошкент, 2006

[1] «Ўзбек адабиёти 15 йил ичида», Тошкент, 1939, 19 – бет.